ТАФАККУР РИВОЖЛАНИШИДА ТАСАВВУРНИНГ ЎРНИ

Ш.ЮСУПОВА

Автор статьи рассматривает место и роль воображения в развитии мышления на уроках современного узбекского языка.

The Author of the article considers the place and role of the imagination in development of the thinking on lesson of the modern Uzbek language.

Замонавий кадрларни етиштиришда илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш, таълимнинг интерактив методларини, шунингдек, ахборот базасини шакллантириш ҳал қилиниши зарур бўлган масалалардан биридир. «Ўзбекистон инновацион ривожланиш туринг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади» [1;76]. Инновацион технологияларни амалиётга жорий этишнинг асл муддаоси ўқувчи-талабаларни фаоллаштиришдан иборатдир. Фаоллаштириш йўл-йўриқлари: баҳс-мунозара, тасаввур ҳосил қилиш, мушоҳада қилиш учун вазият яратиш, дарсга деталь (бирор буюм) олиб кириш каби фаолият усулларидан иборатдир. Чунки фаолият – атрофни ўраб олган нарсаларга инсон муносабатининг алоҳида шаклидир [2;215]. Фаолиятда 4 та таркибий қисм эътироф этилади: мотив, мақсад, восита, натижа.

Бизнингча ҳам, субъектнинг фаоллиги, ўқув мотивига бўлган эҳтиёжи, унинг эмоцияси кабилар инсон фаолиятида асосий роль ўйнайди.

Ҳақиқатан ҳам ўқитувчи замонавий педагогик технология асосида дарс ўтиши учун ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккур, услубий билим ва малакалар билан бирга педагогик таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усул ва воситаларини танлай олиш, ишлаб чиқиш, уни дарсда қўллай олиш, фаоллик қобилиятига эга бўлиши лозим. Фаоллик ўқувчиларда кенг фикрлашни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака, кўникмаларни ривожлантиришни, тафаккур, идрок, зеҳнлилик, ижодий тасаввурларни ўстириш ва тарбиялашни таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида фикрлашни ривожлантириш ва ифода этиш кўникмаларини ҳосил қилишда Америка психологи Д.Озбел асос солган онгли вербал таълим йўналиши – когнитивизм муҳим аҳамият касб этади. Когнитивлик, вербаллик, кашфиётчилик, онглилик ҳозирги кунда ижодкор шахс – ижодий тафаккур соҳибини тарбиялашнинг асосий педагогик-психологик омиллари саналади [3;4]. Педагогик технология талабига кўра ўқитувчи ўқувчиларни ўйлантиришга, фикрлашга, мантиқий хулоса чиқаришга, бир сўз билан айтганда, фаоллаштиришга алоҳида эътибор бермоғи керак.

Ҳ.Шамсиддинов айримлик, хусусийлик ва умумийлик диалектикасининг фукционал-семантик синонимлардаги аҳамиятига тўхталади, шунингдек, инсон руҳиятининг ажралмас қисми бўлган тасаввурларнинг ролини таъкидлайди. Чунки тасаввур билишнинг биринчи босқичи бўлиб, жонли мушоҳада шаклига киради. Шунинг учун ҳам “Ҳозирги ўзбек адабий тили”ни ўқитишда тасаввур ҳосил қилишга ўргатиш аҳамиятли бўлиб, унинг ёрдамида оламнинг сир-асрорлари тўғрисида билимлар ҳосил қилинади ва у тафаккурнинг ривожланиш босқичи ҳисобланади.

Инсонда тасаввур кенг бўлиши учун ўша одамда денотат – сигнификат муносабати бўлиши зарур. Масалан, **оҳу** ҳамда от ҳақида таъриф бериш топширилса, от ҳақидаги таъриф мукаммал, аниқ, асосли бўлади. Бироқ **оҳу** ҳақидаги таъриф тўғри ва аниқ бўлмайди. Бу эса **оҳу** ҳақидаги тасаввур инсонда кам эканлигидан далолатдир. Фикрларимизни асослаш учун ўқувчиларнинг тасаввур даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” номли шеъридан олинган қуйидаги парчадан фойдаланиш мумкин. Бунда, аввало, матн берилади, сўнгра уни ўқиш ҳамда таърифлаш таклиф этилади:

... Беш кун сени даврингда бечора
хиром этсун
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғир суви тўлганда, тоғ лолани
жом этсун,
Ҳаққинга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидан жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари бағри садпора экан мендек.

Юқоридаги шеърий парча орқали уларда қандай тасаввур ҳосил бўлгани сўралади, сўнгра та-

саввур асосида таъриф берилади. Тавсиф ва таъриф беришда талабаларнинг борлиқ ҳақидаги дунёқараши кенгаяди. Изоҳли луғатда берилишича, тавсифламоқ – сифат белгиларини бермоқ, баён этмоқ, таърифламоқ [4;142-143].

Таърифламоқ эса – а) нарса, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларни оғзаки ёки ёзма равишда баён қилмоқ; таъриф қилмоқ, тасвирламоқ, тавсифламоқ; б) нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва шу кабиларнинг моҳиятини қисқа, аниқ ифодаламоқдир.

Маълумки, тушунчани таърифлаш натижасида унинг мазмун-моҳияти билиб борилади. Тасаввур ва тушунчада уйғунлик ҳосил бўлса, у фикр ривожи учун аҳамиятли ҳисобланади. Ўқувчи-талабада тасаввур ва фантазия ҳосил қилишга ўргатиш тафаккур ривожи учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бунда тасаввур, тушунча ҳамда таърифда уйғунлик ҳосил бўлиши зарур.

Тасаввур ҳосил қилишни қуйидаги усул орқали ташкил қилиш мумкин:

Тасаввур қилинг, сиз ариқ, дала бўйидасиз.

Ариқ ва далаларнинг кўринишини, табиатини тасаввур қилинг. Ариқ бўйида қандай юриб бораётганингизни, у ердаги ўт-ўланларни, чуқурлик ва кенгликларни, ариқ ичидаги ва дала қўйнидаги жонзотларни алоҳида-алоҳида тасаввур қилинг. Энди сизнинг нигоҳингиз нимага тушди. Уни яхшилаб кўздан кечиринг.

Сизга яқин қолгандаги ҳолатини тасаввур этинг. Уларнинг ҳужайралари қандай кўринишга эга. Энди ўйланг: даланинг кўриниши қандай? У кишига завқ берадими ёки қўрқинчлими? Нега унинг манзараси шундай? Ер юзидаги яна қандай кенгликларни биласиз? Улардан инсоният эҳтиёжи йўлида қандай фойдаланиш мумкин?

Сиз ариқ ва дарахтларнинг табиий хусусиятлари ҳақида ўйланг, фойдалилиги ҳақида фикрлар билдиринг.

Тилшуносликда бундай объектлар қандай **атама** билан юритилади, уларнинг таснифи, этимологияси ҳақида ҳам ўйланг?

Юқоридаги каби тасаввур ҳосил қилишда ақлнинг эгилувчанлиги бунёд бўлиб, “ақлий ҳужум” амалга ошади, фикрлаш жараёнлари ҳаракатга келади, ғоялар пайдо бўлади, бир қанча тушунчалар билан бир вақтда шуғуллана олиш, реал пейзажни тасвирлаш чексизлик ҳақида фикрлаш учун имкон яратилиб, ички ресурслар билан онгли ва мақсадли ҳаракат қилади ва ақл мушаклари фаолият кўрсатади, натижада мустақил фикрлаш салоҳияти ривожланади.

Маълумки, тасаввур инсон онгининг маҳсули бўлиб, у борлиқдаги барча нарсаҳодисаларнинг ҳолати, моҳияти, сабаби, миқдори, ҳаётга татбиқи, амалиётда, илм-фанда тутган ўрнини тасаввур орқали белгилаш қобилияти ҳисобланади.

Субъектнинг билиши ва амалий ўзлаштириши объектив ҳаракат қонуниятларидан келиб чиққани учун, улар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқдир. Объект ва субъект муносабатлари бирга олингандагина инсоннинг тасаввур даражаси кенг бўлади ва диалектик муносабат ўз аксини топади. Диалектик ёндашувда аниқлик, тўғрилик намоён бўлади. Бундай муносабатни амалга ошириш эса методик жиҳатдан дарсни тўғри ташкил этиш йўлларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўқитувчининг танлаган методи ва усулларининг хилма-хиллиги ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш имкониятлари ва тасаввурлари қанчалик бой бўлса, маълум мавзу бўйича дарсларни ўтказиш учун танлайдиган метод ва усуллар шунчалик жонли ва муваффақиятли бўлади.

Тасаввурда нарса ва ҳодисалар идрок этилади. Шунинг учун ҳам предмет ва ҳодисаларнинг ривожланиш, ўзгариш қонунларини, яъни уларнинг моҳиятини билиш, уни ўргатиш таълим жараёнида муҳимлик касб этади. Чунки бунда талабада мантиқий билиш амалга ошади.

Мантиқий билишда инсон тафаккури борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг изчил боғланишлари ва алоқадорликларини, уларнинг ҳаракат, ўзгариш ва ривожланиш қонунларини маълум фикр шакллари – ҳукм, тушунча ва хулоса чиқариш кабиларда ифодалайди. Бундай ҳиссий билиш образлари тафаккур учун материал бўлиб хизмат қилади. Тафаккур ҳосил қилган ақлий билимнинг бу фикрий шакллари тилда сўзлар ва гапларда ифодаланади [5;412].

Талабада тафаккур ривожланиши учун ҳодисанинг моҳиятини англашга ўргатиш муҳимдир. Ана шундагина тўғри фикрлаш амалга ошади, талаба ўзида сўзамоллик санъатини мужассам этади.

Таъкидланганидек, таълимда англаш руҳиятини сингдириш фойдадан холи эмас. Чунки ўзини англаган, ҳодисанинг моҳиятини билган киши ўзи учун нима фойдалилиги ва у нималарга қодир эканлигини яхши тушунади. Фикрлаш қобилияти ожиз бўлган инсонда эса тушунча бўлмайди.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили”ни ўқитишда нафақат грамматик билим бериш, балки моҳият ва ҳодисани англатиш ҳам зарур ишларимиздан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки моҳиятни ҳодисадан ажрата билиш жараёнида кишининг тасаввури кенг, тўғри ва аниқ бўлади. Шунингдек , назария ва амалиёт бирлиги ҳам амалга ошади. Бундай ёндашув натижасида ижодий фикрлаш тўғри йўлга қўйилади. Ушбу имкониятдан фойдаланиш эса она тили ўқитувчисидан тажриба ва маҳорат талаб этади.

Ўқувчи фикрларини бир-бирига боғлашда мақсадга мувофиқ фойдалана олиши тафаккур ва нутқ ривожи учун имконият бўлиб ҳисобланади. Бу имкониятдан тўғри ва ўринли фойдаланмоқ ҳар бир она тили ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Баркамол - авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. - Б. 76.
2. Краткий педагогический словарь пропагандиста. -М.: Политиздат, 1984. – С.215.
3. Зиёдова Т.У., Холматова У.Н., Жуманиёзова Х.Т. Ўқитувчи китоби.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.-Б.4.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: Русский язык, 1981.- С. 142-143
5. Фалсафа. Муаллифлар гуруҳи. –Т.: Шарқ, 1999.- Б.412

Андижон давлат университети,
2010 йил 7 майда қабул қилинган